



ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

Фуқаролик жамияти ривожининг мухим шарти

3-бет

Жамоатчилик назорати фуқаролик жамиятининг мухим шарти, давлат юқимияти ва бошқаруви органлари фаолиятинг очиқлиги, фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш имкониятидир.

ПАРВОЗ УЧУН КЕРАК СОҒЛОМ КҮШ ҚАНОТЛАР

7-бет

Айнан ёшлик чоғидан спорт билан дўст бўлиш боланинг ўз устида ишлаши, характерининг тобланши, мусобақаларда катнашиш орқали қатъяниятка маордлик хусусиятларининг шаклланиши, ғалабага интилиши, тъбиъбир жоис бўлса, аввало, ўз устидан ғалаба козониши, бир сўз билан айтганда, мустақам иродага эга бўлиш учун пухта замин яратади.

БИЗ ЗАРРАМИЗ, БИРГАЛИКДА БЮОК ЎЗБЕКИСТОНМИЗ!

8-бет

Ўзбекистон тўлалигича демократик тамомилларга таянган мамлакат. Буни биргина сиёсий партиялар ўртасидаги эркин ракобат, уларга ўз фаолиятларини юритишлари учун яратилган шаюнларда ҳам кўриш мумкин. Президентимиз томонидан 2010 йили 12 ноябрда белгилаб берилган Концепциядан сўнг уларнинг мамлакат ҳаётидаги ўрни янада жонланиши шубҳаси.

Дастурий индустрияни муваффақиятли ривожлантиришда

давлат, бизнес ва фуқаролик жамияти институтлари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ҳам жиддий омиллардан

Парламентда

Фарҳод ЭСОНОВ,
«Adolat» мұхбери.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг ийғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари дастурига мувофиқ Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «Ўзбекистонда дастурий таъминот индустриясини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги масала кўриб чиқилди.

Дастлаб, ийғилиша ушбу масаланинг долзарблиги хусусида сўз юриттиди:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис палаталарининг кўшима мажлисидаги, — деди фракция аъзоси К.Хами-

дова, — «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маъruzасида давлат ва жамият курилиши тизимида ҳозирги замон ахборот-коммуникация технологияларини

дан кенг фойдаланиш ахборот соҳасини янада ислоҳ қилишнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгилangan. Бино-барин, ахборот-коммуникация технологияларини сиёсий модернизация, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан илдам ривожлантириш жараёнларида борган сари мухим роль ўйнамоқда. Муҳокамага киритилаётган ушбу масаланинг долзарблиги ҳам Концепцияда баён этилган асосий қондадаридан келиб чиқади.

Кисқача изоҳдан сўнг, кун тартибидаги мазкур масала юзасидан қўй палатанинг Ахборот ва коммуникация технологияларини масалалари кўмита-си аъзоси, фракция депутати Р.Гаймованинг маъruzаси тингланди.

Таъкидланганнидек, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш жаҳонда алоҳида долзарблик касб этаётган масалалардан би-

ридир. Маълумки, дастурий маҳсулотлар бутун ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантиришининг асоси хисобланади, ахборот хавфсизлигини таъминлашга кўмаклашади, миллӣ иқтисодидётлар инновацион ривожланишини жуда мухим шарти бўлиб, глобаллашув шароитларида мамлакатнинг рақобатбардошлагини таъминлайди.

— Бугунги кунда долзарблик касб этаётган ушбу масаланинг парламент эшитувига кўйилишидан кўзланган асосий максад, — деди мәрзузчи, — ахборот технологияларини бозорининг мухим қисми бўлган дастурий таъминот индустриясини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг оптимал йўлларини муҳокама қилишдан иборат. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида» ги, «Муаллифлик хукуқи ва турдosh хукуклар тўғрисида» ги қонунлари ҳамда бошқа қонун хужматларининг нормалари давлат бошқаруви органлари томонидан ижро этилишининг боришини, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг, ахборот технологияларини бозорининг бугунги ҳолати ва уларни ривожлантириш истикбларини муҳокама қилиш асосида мамлакатимиз дастурий маҳсулотлар индустриясини ривожлантиришининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишидир.

Давоми 2-бетда >>



Замонавий мактаб

Юртимизда ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ва ижтимоий фаоллигини оширишда таълим соҳасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар мухим аҳамият касб этмоқда.

Марғилон шаҳридаги 32-умумталим мактабида 750 ўғил-қиз билим олмоқда. Бу ерда асосан математика, кимё, физика каби фанлар чукурлаштирилган тарзда ўқитилади. Шинам ўкув ва машғулот хоналари, тури маданий-маърифий тадбирлар учун мўлжалланган фаоллар зали, замонавий ахборот технологияларини билан жиҳозланган ахборот-ресурс маркази мактаб ўкувларни ихтиёрида.

Суратларда: Марғилон шаҳридаги 32-умумталим мактаб кўриниш; 9-сinf ўкувчи Барно Фанижонова.

Муҳимжон КОДИРОВ (ЎЗА)

олган суратлар

Демократик ислоҳотларнинг янги босқичи

Партия ҳаёти

Ўзбекистон «Адолат» СДП матбуот хизмати.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-хукуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг устувор йўналишидан бири — бу инсоннинг конститутивный хукуқ ва эркинликлари, аввало, асосиз жиной тақиб ва хусусий ҳаётга аралашибдан ҳимояларини, шахсий дахлислизlik ҳукуклари ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳукукларини самарали муҳофоза этилишини таъминлаш ҳисобланади. Зоро, ҳар қандай демократик давлатда суд тизими инсон ҳукуклари ҳимоясига қаратилган механизмнинг асосини ташкил қиласди.

“Хабеас корпус” институти

Ўзбекистонда инсон, унинг ҳукуқ ва эркинликлари сўзда эмас, амалда олий қадрият даражасига кўтарилилганлигини исботидир

Депутат минбари

Анвар СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси аъзоси.

Шу боис, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатларини жиддий тарзда куҷатириши маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш, самарадорлигини ошириш чоралари каби мавзуларда мавзулар тингланниб, кизин мухокама қилинди.

Давоми 2-бетда >>

Депутатлар — сайловчилар ҳузурида

Учрашувлар

Фарҳод ЭРКИНОВ,
«Adolat» мұхбери.

Жойларда парламент қўйи палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзоларининг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда. Маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йигинларида, таълим мусассаларидаги корхона ва ташкилларда ташкил қилинган мазкур тадбирларда депутатлар Юртбошимиз томонидан 2010 йили 12 ноябрда Олий Мажлис палаталарининг кўшима мажлисида илтари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ҳамда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг мухим устувор йўналишларга багишланган Ўзбекистон Республикасинада Вазирлар Мажхамасининг мажлисидаги «Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, ҳалқимиз фарононлигини оширишга хизмат қиласди» номли мързулар мазмун-моҳияти хусусида сайловчиларга көнг тушунча бермоқдалар.

Айниска, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақилиги-нинг йигирма йилингига бағишилар ҳамда тарзида ташкил қилинган мазкур тадбирлар давомида кизғин мухокама қилинди. Парламентнинг қонун ижодкорлиги фракциялари, ҳалқи қилинган мажхамадаги қонун лойиҳалари тўғрисидаги маълум-тартар ҳам учрашун иштироқчилари диккат марказида бўлди.

Парламент томонидан қабул

Семинарларда «Партия органларининг иш самарадорлигини ошириш механизмларини тақомиллаштириш», «Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёндаги сиёсий партияларини роли, маъсулитларини кучайтирилиши», «Партия раҳбар органларининг иш самарадорлигини ошириш механизмларини тақомиллаштириш», «Жамият тараққиётининг мухим шарти бўлган ижтимо-

малар сони 2010 йилда 2010 йилда

Давоми 2-бетда >>

Сўнги саҳифа

Биз заррамиз, биргаликда буюк Ўзбекистонмиз!

Мустақиллик менинг
тақдиримда

Гулмира ВАЛИЕВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
"Ёшлар қаноти" Фарғона вилояти
Кенгаши раиси.

Инсон бу дунёга ўзлигини топиш учун келади. Ўзликни топиш балки осондай туюлар, лекин мураккаб ҳаёт жараёни баъзан инсон иродасини синаф, мақсадлари йўлидан озириши мумкин. Мухтарам Президентимиз буюк мақсадлар йўлида заҳматлар ҳам бўлишини эслатиб, "Ҳар куни, ҳар соатда фидойи бўлиш, ўзининг томчи ва томчи, заррама-зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай тинимизсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий кунданалик фаолият мезонига айлантириши — ҳақиқий қаҳрамонлик аслида мана шу", дегандилар. Мақсадлардан адашмаслик, синовларга бардош бериб, кўзланган манзил сари одимлаш дарҳақиқат жасораттир. Шуни алоҳида ҳам зарур омиллар бўлмоғи керак. Орзулар ижобати мамлакатда яратилган шарт-шароит ва имкониятларга боғлиқ, аслида.

Бир кекса ҳамроҳим йўл бўйи ўзининг умр фалсафасини галира туриб шундай деган эди(унда ёш, фур талаба эди): "Сен ҳёт-да шундай йўл танлаганини, ҳар кунинг, ҳар онингдан рози бўл, бажараётган ишларнинг шукронлини билан бажар, энг мумими, кунинг қанчалик машақатли ўтган бўлмасин, уйкуга кўзинг илинар чоғ ҳузур тўғусини хис кила олгинг..."

Мана бу хикматни эштаганимга ҳам ўн йиллар чамаси вакт ўтиби. Лекин ҳанзу кулокларим остида шу гаплар жаранглайди. Жўшкун ис кунини якунлаб уйга қайтарсанман, юрак-юрагимда яшащдан, яратишдан, ишлашдан завъждан тўйуларни тошганда беҳитиёр ўша кекса ҳамроҳимнинг нечоғли ҳақлигиги биламан. Йилларни кувлаб йиллар утмоқда, улгайплиз. Кизиги, кундан-кун қалбимиз, шурумиз ҳёт ва тумушдан то-пәтган хикматларимиздан яшнаб бормоқда. Оддин шунчаки айтган мұқаддас сўзларимизни ҳаяжон ила руҳимиз титраб камом.

Биласизми, мустақиллик аввали, менга нимани тұхфа этди? Сонимя сония, даикама даикама үлгайиш, камолотга интилиш, илм олиш, ҳақлар корига ярай олиш истагини берди. Томошибин әмас, иштироки бўлиш зарурларини ўргатди. Бефардликдан, "менга нима" деган ўйдан узоқлаштири, вужудимда қарамал әмас, сохиблик туйгисини ўтди.

Мен Ўзбекистон истиқололга эришгандага 12 ёшда эдим, балки унда бу буюк неъмат қадрни хис қиладиган даврда эмасдим. Шунингдек, ҳётда ҳали ҳеч нарсага эришмаган, эртакларда яшетган бола эдим. Бугун эса озми қўлми ҳёт фалсафасини мушоҳада қила оладиган, ҳақлар учун яшаш хиссисидан мамнун бўла оладиган шахсман. Ҳа, шу шонли 20 йилда эришдим бунга. Ахир, ҳақлар учун яшаш истагидан маст бўлишдан-да баҳт бормикин дунёда.

Мустақиллик сўзини адолат, одиллик, шаффофлик сўзлари билан болгалим келади. Зоро, шу 20 йил мобайнида Юртбушимиз олиб борган одилона сиёсат натижасида бугунги барқарор ҳёт шакланди. Қайси бир жабхани олманд, барқарор ривожланиш кўзга ташланади.

Марказий Осиёнинг энг



нуфузли илм даргоҳи Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси факультетида устоzlарнинг сарасидан илм олиш баҳтига мияссар бўлганман. Бу гушаде Ҳазрати Навоий иходидан сармаст бўлиб, Ҳазрати Имом Бухорий закосига бир умрлик ошно бўлиб қолганман. Ҳозир ҳам Навоийни ўқирканман, уларни чиндан таниш имконини берган замонга шурӯк айтаман. Ҳазрати Имом Бухорий зияретидан барқарор (ҳар йили буни канда кильмайман) руҳим эзгу олам билан тулашганда озод юртимга мангулук тишилман, шу азиз болалар ҳоқини обод этган Юртбушиминг нақадар етуб шахсига.

Ҳар бир фуқаро эркинлик билан тазийкисиз истаган партияси сафиға кира олиши ҳам истиқолол меваларидан бириди. Мен Ўзбекистон "Адолат" СДП аэзосиман. Шу партия сафиға адолат билан юртим тараққиётiga ҳисса қўшиш ниятидан. Шунингдек, партияни Фарғона вилояти Кенгаши "Ёшлар қаноти" раиси сиғатидан ёшларнинг сиёсий онгини ўтиришга, уларга ижтимоий сиёсий ҳётимизда томошибин эмас, иштироки эканликларини тушуништиришга асосий эътибор қаратаман. Вазифам тақаоси билан турли тадбирларда, ташкилотларда "Маннавият", "Миллий ғоз", "Ватан", "Буюқ аҳодидор" каби улуг мавзуларда мавзузлар ўқиб турман. Ишонинг, тингловчилардан олдин ўзим руҳланаман, яна ва яна шу мұқаддас Юрга фидо бўлиб ҳизмат килиши фикри билан ёнаман. Аслида мустақиллик менга мана шундай эзгу фикрлар олиши, шу маконда яшаб меҳнат қилиш баҳтини берди. Бугунги камолотга интилётган шахсни менда шу буюк 20 йилнинг онлари пайдо қилди. Мангу барҳёт бўл, буюк ва мұқаддас Ватан!

Тошкент давлат жаҳон тиллари университети томонидан 2002 йил Фаниева Дилдора Рустамовна номига берилган (рөвстар рақами №090764 рўйхатга олинган рақами 596/02) диплом йўқолгани сабабли **БЕКОР КИЛИНИДИ**.

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий
газета



Муассис: Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши

Таҳрир ҳайъати: Дијором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исломий САИФНАЗАРОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРИКОВА, Иқбод МИРЗО, Мамзизир ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Талъят МУРОДОВ, Алишер МУМИНОВ.

1995 йил 22 февралдан
чиқиб бошлиғига
Таҳрир макаси: 100000,
Тошкент шаҳри, Матбуотчалик жўзаси, 32-йў.
adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри
Боғи Турон кўчаси, 41-йў. Буюртма Г—500. Ҳажми — 2 босма табоб.

Офсет усулida босилган. Көғоз бичими А-2. Адади — 6789.

Босишига топшириш вақти — 21.30 Босишига топширилди — 21.45

Бош мухаррир: Ҳудоёр МАМАТОВ
Бош мухаррир биринчи ўринбосари:
Абдували СОЙИБНАЗАРОВ (Нашир учун масъул)

Бўйимлар: Партия ҳаётни ва парламент фаолияти бўлими — 236-57-14;
Маданият, ахборот, спорт ҳамда хаттилар ва
жоизийларни билан ишлами бўлими — 236-54-39;

Телефонлар: қабулхона — 236-53-14, 233-40-86 (факс);
котиббон — 233-41-89.

Навбатчи мухаррир — Ф. ЭСОНОВ.

Навбатчи мухаррир — Ф. ҲИДИРОВ.

«Adolat»-дан қўнишиб босиши фикрет таҳрири
руҳсати билан амалга оширилади.

Номидан ўзимизни тушунишни таҳдиди

негизи макони

негизи макони